

ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНЛИК ЖАНГЧИЛАРНИНГ ЖАНГ МАЙДОНЛАРИДА КЎРСАТГАН ЖАСОРАТЛАРИ

Наим ОБЛОМУРОДОВ

тарих фанлари доктори
профессор

Тошкент молия институти
Тошкент, Ўзбекистон

Аннотация

Мақолада иккинчи жаҳон урушида ўзбекистонлик жангчиларнинг жанг майдонларида кўрсатган жасоратлари таҳлилга тортилган.

Таянч сўзлар: иккинчи жаҳон уруши, ўзбекистонлик жангчилар, ғалаба, жасорат.

ПОДВИГИ УЗБЕКИСТАНСКИХ БОЙЦОВ НА ПОЛЯХ СРАЖЕНИЯ В ГОДЫ ВТОРОЙ МИРОВОЙ ВОЙНЫ

Наим ОБЛОМУРОДОВ

доктор исторических наук
профессор

Ташкентский финансовый институт
Ташкент, Узбекистан

Аннотация

В статье анализируются подвиги узбекистанских бойцов на полях сражения в годы Второй мировой войны.

Ключевые слова: вторая мировая войны, узбекистанские бойцы, победа, отвага.

Иккинчи жаҳон уруши инсоният тарихидаги энг мудҳиш воқеалардан бири сифатида тарихга кирди. Барча халқлар сингари уруш йилларида минглаб ўзбекистонликлар ҳам душманга қарши жангларда фаол иштирок этдилар. Бундай жасорат халқимизнинг чинакам қаҳрамонлиги ва мардлигининг намунаси эди. Ўзбекистонликлар Белорусия, Украина, Россиянинг ғарбий минтақалари, Шимолий Кавказни озод қилишда, Ленинград қамалини ёриб ўтишда, Сталинградни озод қилишда, Брест қалъаси муҳофазасида ҳақиқий қаҳрамонлик кўрсатдилар.

Хусусан, 2 миллионга яқин юрдошимиз жангларда иштирок этиб, уларнинг 500 мингдан ортиғи қаҳрамонларча ҳалок бўлди. Шу билан бирга, уруш даврида республикамиз фронт учун зарур бўлган озиқ-овқат, кийим-кечак, қурол-аслаҳа ва бошқа воситаларни етказиб берадиган муҳим таъминот марказларидан бирига айланди. Айниқса, юрдошларимиз жанглар давом этаётган ҳудудлардан Ўзбекистонга кўчирилган 1,5 миллиондан ортиқ кексалар, аёллар ва ёш гўдакларни бағрига олиб, оғир дамларда уларга беқиёс ғамхўрлик кўрсатди [2]. Уруш арафасида Ўзбекистонда 6,5 миллион аҳоли яшаган бўлса, шундан 2 миллиондан зиёди фронтга сафарбар этилган. Бу ўша пайтдаги халқимизнинг 30 фоизини, меҳнатга яроқли аҳолининг эса 50-52 фоизини ташкил этарди. Меҳрибон ота-онасини, азиз фарзандлари, табаррук она юрт тупроғини химоя қилишга отланган бу ботир инсонлар кечаю кундуз қон кечиб, Москвадан то Берлингача бўлган оловли йўлларни қаҳрамонларча босиб ўтдилар. Урушда ўзбекистонлик жангчилардан 500 мингдан кўпроғи – фронтга сафарбар этилганларнинг ҳар учтасидан бири ҳалок бўлди, 60 мингдан ортиқ ҳамюртимиз ногирон бўлиб қайтди. Бу ёвуз уруш туфайли қанча-қанча оилалар ўз боқувчисидан ажралди, гўдаклар етим, аёллар бева бўлиб қолди. Ўз жигарбандидан жудо бўлган минг-минглаб оналар қалбидаги алам ва изтиробни ифода этишга сўз ожиз. Эл-юртимизнинг буюк ғалабага кўшган улкан ҳиссаси ҳақида гапирар эканмиз, қуйидаги рақамларга алоҳида тўхталиш ўринли, деб ўйлайман. Урушда қатнашган 200 мингдан ортиқ Ўзбекистон фарзандлари жанговар орден ва медалларга сазовор бўлган. Уларнинг 301 нафари Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони билан, 70 нафари эса учала даражадаги “Шон-шухрат” ордени билан мукофотланган [3].

Иккинчи жаҳон уруши жаҳондаги 61 мамлакатни, ер шари аҳолисининг 80 фоизини, яъни 1,7 миллиард кишини ўз гирдобига тортди. Урушнинг дастлабки кунлариданоқ Ўзбекистоннинг моддий ва маънавий кучларини урушга сафарбар этишга киришилди. Урушнинг дастлабки ойларида юз минглаб ватандошларимиз қўлига қурол олиб фронтга жўнаб кетдилар. Ўрта Осиё ҳарбий округи 1941 йил июнидан 1942 йил охиригача бўлган даврда

ҳарбий сафарбарлик асосида 109 ҳарбий қўшилма тузди, ҳаракатдаги армияга 86 дивизия ва бригада жўнатди [6].

Бундан ташқари, Ўзбекистон миллий ҳарбий қўшилмалар тузиш ташаббуси билан чиқди. 1941 йил 13 ноябрдан 1942 йил мартгача 14 та миллий ҳарбий қўшилмалар, жумладан, 9 та ўқчи бригада ва 5 та отлик аскарлар дивизияси тузилиб фронтга жўнатилди. Ўрта Осиё ҳарбий округи фронт учун жангчилар ва зобитлар тайёрлайдиган ўчоққа айлантирилди. Умуман олганда 1941-1945 йиллар давомида Ўзбекистондан аниқроғи 2 миллион киши урушга сафарбар бўлган [5]. Ўзбек халқи, кексалар, ота-оналар даҳшатли синов пайтида ўз фарзандларини фронтга жўнатар экан, уларга мард ва ботир аскар бўл, ҳамиша биринчи сафда юр, қаҳрамонларча жанг қил, ғалаба билан қайт, деб насиҳат қилиб қолдилар.

Ҳарбий ҳаракатларда Туркистонда, хусусан Ўзбекистоннинг ўзида тузилган ҳарбий тузилмалар катта рол ўйнади. Жумладан генерал-майор И.В.Панфилов қўмондонлигидаги 316-ўқчи дивизия Волоколамск, Дубосеково, Ново-Петровск ёнидаги жангларда қаҳрамона кураш олиб борди. Ўзбекистонлик Абдулла Тоғаев, Мамадали Мадаминов, Лейтенант Пилюгин бошлиқ жангчилар жасоратларини алоҳида қайд қилиш мумкин. Москва учун олиб борилган жангларда ўзбек халқининг қаҳрамон қизларининг жасорати намунасини кўрсатган Зебо Ғаниева Қизил Байроқ ордени билан тақдирланди. Москва остонасида фашист қўшинларини тор-мор қилишда кўрсатган жасоратлари учун 1753 нафар Ўзбекистонлик жангчи «Москва мудофааси учун» медали билан тақдирланди. С.Қосимхўжаев «Совет Иттифоқи Қаҳрамони» унвонига сазовор бўлди.

Москва остонасидаги ғалаба 1942 йилдаёқ урушни якунлаш, мамлакатни озод қилиш фикрини вужудга келтирди ва бутун фронт бўйлаб ҳужум қилиш ҳақида буйруқ берилди. 1942 йилдаги қишки ҳужумларда мардлик ва жасорат намунасини кўрсатиб, маҳорат билан жанг қилган Қўчқор Турдиевга 1942 йил май ойида «Совет Иттифоқи Қаҳрамони» унвони берилди. Жангчиларимизнинг жасорати ҳам ўз ҳарбий кучининг асосий қисмини сақлаб

душман кўшинларини тамомила йўқ қилишга, совет раҳбарларининг хатолари ўрнини қоплашга камлик қилар эди. Бунинг учун душманниқидан кучли ҳарбий-техника, қурол яроғ ва тактика керак эди.

Ўзбекистонликлар тарихий Сталинград жангида ҳам қаҳрамонона жанг қилдилар. Жанглар авжига чиққан пайтда Сталинградга Самарқандда ва Фарғонада тузилган 90, 94-ўқчи бригадалар етиб келиб жангга кирдилар. Бу бригадалар асосан ўзбек йигитларидан тузилган бўлиб, командирлар орасида С.Нуриддинов, В.Умаров, А.Муродхўжаев, Ф.Норхўжаев ва бошқалар бор эди. 21-отлик аскарлар дивизиясининг баланд жанговар руҳда жанг қилишида дивизия комиссари, кейинроқ генерал-майор унвонига эришган Муллажон Узоқовнинг хизмати катта бўлди.

128-гвардиячи Туркистон тоғ-ўқчи дивизияси аскарлари душманга қарши шиддатли зарбалари билан шуҳрат қозондилар. Кичик лейтенант М.Кабиров взводи Переловск хутори ёнидаги тепаликни эгаллаш учун бўлган қаттиқ жангда тирик қолган 11 жангчи билан душманнинг 300 жангчисига қарши 12 кун давомида тепаликни қўлдан бермай жанг қилишди ва душманни тепалик ёнида тўхтатиб қолишди. Уларнинг 9 таси ўзбек, 1 таси қозоқ ва 1 таси татар эди. Оғир жангда Б.Алимбеков, Д.Аҳмедов, Б.Ғаффоров, С.Мардонов, Ҳ.Мусаев, С.Пайзиев, Н.Ҳайтов, С.Тленовларнинг қони ана шу тепаликда абадий қолди. Фақат Абдурахмон Эрдонов ва М.Кабировлар тирик қолишди. Бу тепалик ҳозиргача “Шарқнинг 11 қаҳрамони тепалиги” деб аталиб келинмоқда.

Машҳур Павлов уйини мудофаа қилишда қатнашган ўзбек йигити Камолжон Турғунов, Сталинград жангида ўзининг мотоўқчилар ротаси билан душманнинг 400 аскар ва зобитини қириб ташлаган, 230 тасини асирга туширган ва кўпгина қурол-аслаҳани қўлга туширган наманганлик йигит Мамасоли Жабборов, 400 дан ортиқ аскарни ўз пулемётида ер тишлатган бухоролик мерган Ҳайтов, Тошкент педагогика институтининг талабаси Елена Стемповскаялар жасорати Сталинград жанги солномасидан муносиб ўрин

эгаллаганлар. Ўзбекистонлик жангчилардан 2738 киши “Сталинград мудофааси учун” медали билан мукофотланди [5].

1943 йил ёзида Курск атрофида бўлган қаттиқ жангларда Ўзбекистонда тузилган 62, 69-ўқчи дивизиялар, 162-Ўрта Осиё-Новгород-Шимол аскар ва зобитлари алоҳида жасорат кўрсатдилар. Ўзбекистонликлар, шунингдек, 5, 15-ўқчи дивизиялар ҳамда 5, 62-гвардиячи ўқчи дивизиялар таркибида ҳам жанг қилдилар. Золотарёвка қишлоғи учун бўлган қаттиқ жангда фарғоналик Аҳмаджон Шукуров душманнинг 110 та аскар ва зобитини ер тишлатди ҳамда 15 тасини асир олди. Бу жасорати учун унга Қаҳрамон унвони берилди ва Золотарёвка қишлоғи Шукуровка деб аталадиган бўлди [5].

Курск жангида Зилмат Ҳасанов бир ўзи 80 фашистга қарши жанг қилиб, 60 дан ортиғини қириб ташлади, патронлари тугагач, қалтис пайтда ўзини ҳам, душманларни ҳам портлатиб юборди. Курскда порлоқ ғалабага эришилгач, қизил армиянинг 2 минг км. узунликдаги фронтларда қудратли стратегик хужуми бошланиб кетди. Днепр дарёсини кечиб ўтишда Тошкентда тузилган 441-ўқчи дивизия жасорат кўрсатди. Фашистлар ўқ ёғдириб, уларни йўқ қилиб ташлашга интилдилар. Тирик қолган 10 тача жангчи рота командири Жўрахон Усмонов бошчилигида мадад келгунича икки кеча-кундуз давомида маррани эгаллаб турди. Бўлинманинг барча жангчилари юксак мукофотларга сазовор бўли, Жўрахон Усмонов “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони билан тақдирланди. Днепрни биринчи бўлиб кечиб ўтганлар орасида бухоролик старшина Вали Набиев, андижонлик Қамбарали Дўстматов, қорақалпоқ Худойберган Шониёзов, шофирконлик Халлоқ Аминов, ромитанлик Шариф Эргашев, Бухородан чиққан Т.А.Тихонов ва бошқалар бор эди. Днепрни кечиб ўтишда, унинг ўнг қирғоғидаги истеҳкомларни эгаллашда кўрсатган жасорати учун жами 26 ўзбек йигитларига Қаҳрамон унвони берилди [5].

Курскдаги ғалаба ва душманнинг Днепрдан улоқтириб ташланиши натижасида жаҳон урушининг боришида туб бурилиш ясалди, ҳарбий стратегик ташаббус душмандан батамом тортиб олинди. Сталинграддаги ғалаба Гитлер Германиясининг енгилиши муқаррарлигини кўрсатган бўлса,

Курск ва Днепрдаги ғалаба немис-фашист кўшинларини ҳалокатга маҳкум этди.

Ўзбекистонлик жангчилар Ленинград қамалини йўқ қилиш, Украина, Белоруссия, Молдова ва Болтиқбўйи республикаларини душмандан озод қилиш учун бўлган жангларда қаҳрамонлик намуналарини кўрсатдилар.

Душманни тор-мор этишда партизанлар ҳаракатининг роли ва ўрни катта бўлди. Урушнинг душман устунлик қилган дастлабки даврида бутун ҳарбий қисмлар душман қуршовида қолиб кетди, кўплаб аскар ва зобитлар ноиложликдан асирга тушиб қолдилар. Асирларнинг сони 5 млн. кишидан ортиқроқ бўлиб, улар орасида минглаб ўзбекистонликлар ҳам бор эди. Ҳарбий асирлар, ҳайдаб кетилган фуқаролар Освенсим, Маутхаузен, Бухинвалд ва бошқа ўнлаб ўлим лагерларида сақланди, хўрланди ва кўплари ҳалок бўлди.

Душман ишғол қилган туманлар аҳолисининг душман қамалидан чиқиб олган қисми ёки ҳарбий асирликдан қочган жангчилар тоғларга, ўрмонларга яшириниб, партизанча курашга ўтдилар. Партизанлар ҳаракати Марказий штаби тайёрлаб юборган ҳарбий мутахассислар, разведкачилар партизанлар орасига кириб, йирик отрядларга бирлашиб, уюшган ҳолда душманга қарши курашдилар. Душман қуршовидан чиқиб олган ўзбекистонлик жангчилар ҳам партизан кўшинларида иштирок этдилар.

1944-1945 йилларда Белоруссия, Украина, Молдавия, Болтиқ бўйи республикалари ва Россия Федерациясининг ғарбий вилоятларида фаолият кўрсатган Ўзбекистонликлар жангчилар фаолияти иккинчи жаҳон уруши тарихи саҳифаларига битилган бўлиб, уларнинг номлариёқ душман кўнглига кўрқув солган эди. Булар орасида Мамадали Топиболдиев, Ж.Отабоев, И.Мусаев, А.Ҳакимов, И.Қосимов ва бошқаларнинг мардлик намуналарини таъкидлаш мумкин.

Айниқса Фашистлар Германияси “яшин тезлигидаги уруш” режаси билан тўсатдан СССРга бостириб кирганида, 22 ёшли, оддий аскар Мамадали Топиболдиев ўз қуролдошлари билан фашистларнинг биринчи хужумини қайтарган. Ўша биринчи жангда у ярадор бўлди. Урушнинг дастлабки

кунларида полк қуршовга олинган кичик бир отряд билан биргаликда у душманнинг қуршовидан ўтиб, Могилев вилояти ўрмонларига киради. Ратцевский ўрмонида Александр Сметянкин бошчилигидаги партизан отрядига қўшилади.

1941 йил ноябрда Мамадали Топиволдиев қуролдошлари билан фашистлар босиб олган Борисов шаҳри чеккасидаги ҳарбий лагердан 146 нафар асирнинг озод қилинишида иштирок этди. Ҳар бир операциядан кейин Топиволдиев дарахтларга “Казбек” исмини ханжар билан ўйиб ёзарди ва шу билан немисларни қўрқитиб, ўз изини қолдирди.

“Чекист” партизан отрядининг разведкачиси, қўрқмас партизан Мамадали Топиболдиевнинг номи Белоруссияда машҳур бўлди. У душманнинг 67 аскар ва зобитини йўқ қилиб, 180 тасини асирга олди. Довруғи бутун партизанлар ўлкасига ёйилган М.Топиболдиев кўрсатган жасорати учун “Совет Иттифоқи Қахрамони” унвонига сазовор бўлди. Белоруссиянинг Писарево қишлоғи ўзбек халқининг жасур ўғлони номига Топиболдиевка деб атала бошлади.

Тарихий манбаларга кўра, Мамадали Топиволдиев ёлғиз ўзи душман казармаларини вайрон қилган, 5 та ҳарбий эшелонни портлатган, 76 фашист аскарини ва 1 та немис генералини қўлга олган. Адольф Гитлер Мамадали Топиболдиев (Казбек) нинг боши учун 50 минг марка (яъни 825.000 АҚШ доллари) миқдорида “мукофот” ваъда қилади. Аммо душман ботир, қўрқмас ва тутқич бермас жангчини тута олмайди. Улар ватандошимизни тутиш учун анчагина ҳарбий куч сарфлаб, каттагина йўқотишларга ҳам учрайди. 1944 йил 15 августда Мамадали Топиволдиевга Белоруссияда партизанлик ҳаракатини ривожлантиришда, ҳукуматнинг махсус топшириқларини бажаришда кўрсатган хизматлари учун “Совет Иттифоқи Қахрамони” унвони берилади [5].

Бу даврда СССР чегаралари бутунлай тиклангач, совет қўшинлари Полша, Руминия, Болгария, Югославия, Венгрия, Чехословакия, Австрияни озод қилиб, Берлинни эгаллашда Ўзбекистонлик жангчилар ҳам ўзларининг

байналминалликларини намоён қилдилар. Европа халқларининг фашистлар асоратидан озод бўлишларига ўз хиссаларини қўшдилар. Бу мамлакатларни озод қилишдаги жасоратлари учун Б.Бобоев, П.Нурпеисов, Т.Назаров, А.Раҳимов, М.Фаёзов ва бошқалар Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони, 2430 нафар ҳамюртимиз "Будапештни озод қилиш учун" медали, 1706 киши "Берлин олингани учун", 109.208 киши "Германия устидан ғалаба қозонганлиги учун» медали билан тақдирланганлар.

Кўпмиллатли Ўзбекистон халқи ҳам ҳақиқий жасорат ва фидойилик кўрсатиб, фашизм устидан қозонилган ғалабага улкан ҳисса қўшди. Хусусан, 2 миллионга яқин юртдошимиз жангларда иштирок этиб, уларнинг 500 мингдан ортиғи қаҳрамонларча ҳалок бўлди [2].

Ўзбекистондан жанггоҳга сафарбар этилганлардан 263.005 киши ҳалок бўлди, 132.670 киши бедарак йўқолди, 60.452 киши ногирон бўлиб қайтди. Бу машъум уруш туфайли энг камида тўрт юз минг оила бевосита айрилиқ азобига дучор бўлди. Юз минглаб ватандошларимиз меҳнат frontiда заҳмат чекдилар, ўзи емасдан, ўзи киймасдан топган насибасини фронтга жўнатиб азоб-уқубатлар тортди.

Ўзбекистонликларнинг урушда кўрсатган мардлиги ва жасорати юқори баҳоланди. 200 минг ўзбекистонлик жангчилар орден ва медаллар билан мукофотланди, улардан 301 га яқин аскар ва командирлар Қаҳрамон унвонига сазовор бўлишди, 70 нафар ўзбекистонлик жангчилар учала даражадаги Шухрат ордени билан мукофотланди [4].

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев "Ғалаба боғи" ёдгорлик мажмуаси фаолиятини ташкил этиш чоратадбирлари тўғрисида"ги қарорни имзолади [1].

Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан иккинчи жаҳон урушида мардлик ва жасорат, фронт ортида матонат ҳамда инсонпарварлик намуналарини кўрсатган кўп миллатли Ўзбекистон халқининг фашизм устидан қозонилган буюк Ғалабани таъминлашга қўшган муносиб ҳиссасини кенг миқёсда ёритиш, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва фронт ортида

фидокорона меҳнат қилган юртдошларимизнинг номларини абадийлаштириш, уларнинг беқиёс жасорати ва матонатини тарих саҳифаларига муҳрлаш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш мақсадида Тошкент шаҳрида “Шон-шараф” давлат музейи, “Мангу жасорат” ва “Матонат мадҳияси” монументларини, тарихий-бадий экспозицияларни ўз ичига олган “Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуаси барпо этилди.

Иккинчи жаҳон уруши Ўзбекистон тарихининг шонли давридир. Уруш йилларида кўрсатилган қаҳрамонлик халқимиз қалбида мангу қолади. Ўзбекистонда уруш фахрийларига, уларнинг оилаларига кўплаб ёрдамлар берилмоқда, уларга имтиёзлар яратилган. Республика фахрийлар уюшмасининг ташаббуси билан фашизм устидан қозонилган ғалаба муносабати билан қурбон бўлганларни хотирлаш, биз билан ҳозирги кунларда яшаётган уруш фахрийларини кадрлаш, эъзозлаш, ҳурмат-иззатини жойига қўйишдек улуғвор инсоний ишлар ёшларни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашда, мустақил Ўзбекистоннинг миллий ҳавфсизлигини мустаҳкамлашда катта аҳамиятга эгадир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. «Ғалаба боғи» ёдгорлик мажмуаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 9 сентябр ПҚ-4820-сон Қарори // Янги Ўзбекистон, 2020 йил 10 сентябрь.

2. Хотира ва кадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 20.04.2021 йил 20 апрель ПҚ-5081-сон қарори // Халқ сўзи. 2021 йил 21 апрел.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 9 май – Хотира ва кадрлаш кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. 2018 йил 9 май. Lex.uz

4. Президент Шавкат Мирзиёев Тошкентдаги Ғалаба боғи амфитеатрида Хотира ва кадрлаш кунига бағишлаб ўтказилган байрам тадбиридаги нутқи, 2020 йил 9 май. Lex.uz

5. Обломуродов Н, Толипов Ф. Ўзбекистон тарихи: ўқув қўлланма. – Тошкент: Фан ва технология, 2011.

6. Усмонов Қ, Содиқов М, Бурхонова С. Ўзбекистон тарихи. Дарслик. – Тошкент: Иқтисод-молия. 2016.